



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-547

« ___ » _____ 20__ г

Музработ тумани Т.Бердиев массиви “Шаффоф” маҳалласи ҳудудидан “TERMIZ-BUILDING INVEST” хусусий корхонасига “Сунъий балиқчилик кўли” барпо этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/665-сон йиғилиш баёни, Музработ тумани ҳокимининг 2020 йил 17 августдаги 01-05/210-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/665-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Музработ тумани Т.Бердиев массиви “Шаффоф” маҳалласи ҳудудидан “TERMIZ-BUILDING INVEST” хусусий корхонасига туман ҳокилиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 601-дала контуридаги 5,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони “Сунъий балиқчилик кўли” барпо этиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Музработ тумани ҳокимлиги (Э.Алимов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов